

ТАШКИЛОТДА ХОДИМЛАРНИ РАГБАТЛАНТИРИШ ВА МОТИВАЦИЯЛАШ ЖИҲАТЛАРИ.



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-1053-1061>

Тўхтаева Хуршида Фарходовна

ТДИУ, асистент

Email: t.hurshidaxon@gmail.com

Тел: +998901350802

АННОТАЦИЯ

Бугунги инновацисон иқтисодиётга ўтиши даврида ходимларнинг меҳнат мотивациясини кучайтиришининг ижтимоий-иқтисодий механизмларини тақомиллаштириши бўйича илмий асосланган таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқши. Мақолада «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарида ходимлар меҳнат мотивациясини кучайтириши йўлларини аниқлаш, меҳнат мотивациясидан қониқиши усуllibарини тақомиллаштириши йўллари тақлиф этилган.

Таянч иборалар: меҳнат мотивацияси, ходимларни ривожлантириши ва ижтимоий ҳимоя қилиши, ходимлар меҳнатини разбатлантириши.

АННОТАЦИЯ

Разработка научно обоснованных предложений и рекомендаций по совершенствованию социально-экономических механизмов усиления мотивации сотрудников в условиях современного перехода к инновационной экономике. В статье предложены способы выявления усиления мотивации сотрудников на предприятиях Ассоциации «Узбекенгилсаноат», совершенствования методов удовлетворения трудовой мотивации.

Ключевые слова: Мотивация труда, развитие персонала и социальная защита, стимуляция работников.

ABSTRACT

Development of scientifically based proposals and recommendations for improving socio-economic mechanisms for enhancing employee motivation in the context of the modern transition to an innovative economy. The article proposes ways to identify increased motivation of employees at the enterprises of the Association "Uzbekengilsanoat", to improve the methods of satisfaction of labor motivation.

Keywords: *Labor motivation, personnel development and social protection, employee incentives.*

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида макроиктисодий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда ходимларни мотивациялашни кучайтириш нафақат иш берувчининг, балки бу ерда ишловчи ходимларнинг ҳам мақсадлари ва манфаатларига боғлиқ. Корхонада фойдаланиладиган мотивациялаш тизимлари айнан шахснинг фаоллигига таъсир кўрсатишга интилади. Мехнат фаолиятини бошқаришнинг мотивацион жиҳатлари бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилмоқда ва улардан ривожланаётган ташкилотларда фаол фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожжатномасида “...**Бешинчидан**, ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун келгуси йилда профессионал таълим тизими меҳнат бозоридаги талаб ва халқаро андозаларга мос янгича ёндашувлар асосида ислоҳ қилинади. Бундан буён ишчи касблар бўйича талаб қўйишида малака асосий ўринга чиқади. Шунинг учун Хукумат келгуси йил 1 январдан талаб юқори бўлган ишчи касблар бўйича фуқароларнинг малака даражасини тасдиқлаш тизимини жорий этсин. Хабарингиз бор, Ёшлар форумидаги учрашувимизда ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлаш учун 100 миллион доллар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Бундан ташқари, ёшларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаш ҳамда уларни касб-хунарга ўқитиш учун 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ажратилади ” [1.3] –деб таъкидлади.

Корхонада ходимларни меҳнат мотивациясини кучайтириш, ходимни ривожлантириш, унинг касбий ва малака таркибини ҳисобга олиш, ходимга умумий ва қўшимча эҳтиёжни аниқлаш, ходимлардан маълум бир аниқ мақсадга эришиш учун йўналтириш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Таъкидлаш лозимки, иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларни режалаштириш, меҳнатни моддий рағбатлантириш, ривожлантириш муаммоси ходимларнинг шахсий манфаатларини таъминлаш билан бир қаторда мамлакат иқтисодиётида алоҳида рол ўйнайди.

Шу муносабат билан илмий ишда Ўзбектўқимачиликсаноат қўмитаси корхоналарида ходимларини меҳнат мотивациясини кучайтиришнинг ижтимоий-иктисодий механизmlарини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этишга қаратилганлиги мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Тадқиқот вазифалари. Олдинга қўйилган мақсаддан келиб чиқиб қўйидаги вазифалар қўйилди:

- ходимлар меҳнат мотивациясини кучайтиришнинг ижтимоий-иктисодий механизmlарини такомиллаштиришнинг ижтимоий-иктисодий моҳиятини очиб бериш;
- меҳнатни мотивлашнинг моҳияти ва услубларини асослаш;
- «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарида ходимларни ривожлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳолатининг таҳлили амалга ошириш;
- «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарида ходимлар меҳнат мотивациясини кучайтириш йўлларини аниқлаш;
- меҳнат мотивациясидан қониқиш усулларини такомиллаштириш йўллари кўрсатиш.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ


Корхоналарда ходимларнинг меҳнат мотивациясини кучайтиришнинг ижтимоий-иктисодий механизmlарини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли чуқур иктисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишни фундаментал ўрганишда хорижий мамлакатларда Ю.Г. Одегов [2.501], Г.Г.Руденко, Г.П. Журавлев [3.920], Рофе А.И. [4.392] , Кибанов А.Я [5. 584], Адамчук В.В [6.326], Волгин Н.А [7.284] мамлакатимизда эса, Абдураҳмонов Қ.Х [8.592], Умурзоқов Б.Х., [9.198], Рўзметов Р [10.234], Хайитов А.В.[11.244] ва бошқа иктисодчи олимлар ўзларининг дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятларида атрофлича таҳлил қилишган.

МакКелланд талқинидаги тааллуклиликка бўлган эҳтиёжга асосланган мотивлашув, Маслоу талқинидаги мотивлашувни эслатади. Бундай одамлар танишлар доирасида дўстона муносабатларни боғлашга, ўзгаларга ёрдам қўлини узатишга қизиқадилар. Тааллуклиликка эҳтиёжи кучли бўлган одамлар ижтимоий мулоқот учун кенг имконлар очадиган ишларда ўзларини қулай ҳис этадилар. Уларнинг раҳбарлари иш жараёнида шахслараро муносабатлар ва алоқаларни чекламайдиган муҳитни сақлаб қолишга интилишлари керак. Раҳбар, шунингдек бундайларнинг эҳтиёжларини уларга кўроқ эътибор бериш

ва вақти-вақти билан уларни алоҳида гуруҳларда тўплаш орқали эҳтиёжларини қаноатлантириши мумкин.

Герцбергнинг икки омиллик назарияси. Ўтган асрнинг 50-йилларида Фредерик Герцберг бошчилигидаги мутахассислар гурухи томонидан эҳтиёжларга асосланган яна бир мотивлаш моделини ишлаб чиқди. Тадқиқотчилар гурухи йирик лак-бўёқ фирмасининг 200 муҳандиси ва маъмурият хизматчилари орасида: “Хизмат вазифаларингизни бажариб бўлганингиздан сўнг қачон ўзингизни жуда яхши ҳис қилганингизни батафсил тасвирлай оласизми?” ва “Хизмат вазифаларингизни бажариб бўлганингиздан сўнг қачон ўзингизни жуда ёмон ҳис қилганингизни батафсил тасвирлай оласизми?” деган саволга жавоб беришни сўраган.

Портер-Лоулер модели. Лайман Портер ва Эдвард Лоулер кутилган натижа назарияси билан адолат назарияси элементларини ўзида мужассамлаштирган мотивлашнинг мажмуий процессуал назариясини ишлаб чиқишиди. Уларнинг 1.1-расмда акс эттирилган модели беш ўзгарувчан миқдорни: сарф этилган куч, идрок, олинган натижалар, ҳақ, қаноатланиш даражасини ўз ичига олади.



1.1-расм. Портер-Лоулер модели [12.21]

Портер-Лоулернинг моделига кўра, эришилган натижалар ходимнинг сарф қилган кучи, унинг истеъоди ва хусусиятлари, шунингдек ўз ролини нақадар англаганлигига боғлиқ. Сарфланган куч даражаси ҳақнинг қадри ва

сарфланган кучнинг бу даражаси муқаррар равишда бериладиган ҳақнинг муайян даражасига олиб келишига бўлган ишонч даражаси билан белгиланади. Бундан ташқари, Портер-Лоурел назариясида бериладиган ҳақ билан натижалар орасидаги нисбат белгиланган, яъни одам ўз эҳтиёжларини эришилган натижалар учун олиган ҳақ ёрдамида қаноатлантиради (1.1-расм).

Фаолият орқали инсон ўзининг ҳаётдаги ўрнини белгилаб олади ва ўзининг ижтимоий табиатини тасдиқлайди. Ҳақиқий фаолият, одатда, борлиқни ўзгартириш билан боғлиқ бўлиб, жисмоний, ақлий ва бошқа шаклларни (рухий фаолият ва б.) қамраб олади.

Фаолият ҳам ички, идеал-ўзгартирувчи хусусиятга эга бўлиши (фикрлаш фаолияти, унинг натижаси - интеллектуал маҳсулот, фикр, ғоя), ҳам реал, амалий, ташки шаклда намоён бўлиши, кузатиладиган бўлиши (хатти-ҳаракат) мумкин. Бунда фаолият ва хатти-ҳаракатнинг ўзаро боғлиқлиги келиб чиқади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу мақсадга эришиш учун статистик маълумотларни тўплаш ва таққослаш усулларидан, олинган натижаларни умумлаштириш ва асослашда таҳлил усулларидан фойдаланилди. Ушбу методлар мақоланинг таҳлил ва натижалар қисмида қўлланилиб, қуйида хулоса қилишимизга ёрдам берган. Қўлланилган методларнинг натижаси ходим манфаатларини ташкилот мақсадлари билан бирлаштириш бу иш берувчига улар меҳнат мотивациясини ошириш, ишлаб чиқаришга юқори малакали мутахассисларни жалб этиш ва сақлаб туриш, персоналга ҳаражатларни назорат қилиш ва бошқариш имконини беради.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Меҳнат фаолиятидаги ўзгаришлар, иқтисодчиларнинг фикрига кўра, қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш секторида бандликнинг пасайиши;
- феминизация;
- вақтинчалик бандликнинг ўсиши;
- малакали ходимлар улушининг ортиши.

Тадқиқотимизда персоналнинг персоналининг меҳнат мотивациясидан қониқиши натижаларини таҳлил этишда биз хориж олимларининг икки омил назариясини асос қилиб олдик. Маълумки, ушбу таълимотга мувофиқ меҳнатдан қониқишига таъсир кўрсатувчи омиллар икки гурухга бўлинади.

Олимларнинг фикрича “тигиеник омиллар” деб номлаган гурухга иш ҳақи миқдори, иш режими, санитария-тигиена шароитлари, меҳнатни ташкил этиш даражаси, бевосита раҳбар билан муносабатлар, иш жойининг техника билан жиҳозланганлиги, корхонада ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал этиш имкониятлари киради [13.51]. Агар бу омиллар мавжуд бўлмаса ёки персонални қониқтирмаса, улар меҳнатдан қониқмаётганликларини намоён этадилар. Агар бу омиллар персонални қаноатлантираётган бўлса, уларнинг ўз меҳнатидан қониқишлири юқори бўлиши шубҳасиздир. Шу билан бирга биринчи гурух омиллари иккинчи гурух омиллари – ишнинг хилма-хиллиги, янги вазифаларни ҳал этиш зарурати, ишдаги мустақиллик, меҳнат фаолиятининг персонал қобилиятига мувофиқлиги, хизмат вазифасида ўсиш имкониятлари кабилар билан мужассамлангани ҳолдагина корхона жамоаси меҳнатдан тўлиқ қониқадиган бўлади

1-жадвал

«Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида персоналиниң меҳнат мотивациясидан қониқиши даражасига таъсир кўрсатувчи омилларга муносабати

Ходимнинг ўз меҳнатидан қониқиши омиллари	Қониқиши даражаси, %		
	Қониқаман	Қониқмаганга қараганда кўпроқ қониқаман	Қониқмайман
1. Иш ҳақи миқдоридан	42,1	10,8	41,1
2. Иш режимидан	76,3	7,8	15,9
3. Иш хилма-хиллигидан	58,7	20,6	20,7
4. Янги вазифаларни ҳал этиш заруратидан	51,3	10,2	38,5
5. Ишдаги мустақилликдан	70,3	20,6	9,1
6. Меҳнат фаолиятининг шахсий қобилиятга мувофиқлигидан	42,6	16,8	40,6
7.Хизмат вазифасида ўсишдан	40,7	9,6	49,7
8.Санитария-гигена шароитидан	60,3	21,2	18,5
9.Меҳнатнинг ташкил этилишидан	62,4	10,6	27,0

10.Бевосита раҳбари билан муносабатдан	72,1	10,5	17,4
11.Иш жойининг техника билан жиҳозланганидан	55,3	20,4	24,3
12.Ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал этиш имкониятидан	36,7	10,8	52,5

Манба: «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Корхонада персонални қизиқтирувчи омиллар қаноатлантираётган бўлса, биз тадқиқот ўтказган «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасида персонални меҳнатга бўлган қизиқтиришнинг ҳолати рисоладигадек. Бироқ, биз эҳтиёжлар пирамидасини ёдга олсак, 1-жадвал натижаларига кўра, персоналнинг асосий эҳтиёжлари – иш ҳақи, ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал этиш масалалари етарли даражада қондирилмаётганлигига гувоҳ бўламиз.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Персонални рағбатлантиришда иқтисодий, ижтимоий-психологик ва ташкилий-маъмурий усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (2-жадвал). Уюшмада меҳнатни рағбатлантиришда иқтисодий, ижтимоий-психологик ва ташкилий-маъмурий усуллардан фойдаланиш ва уларнинг натижалари кўрсатиб ўтилиб унга кўра хизмат вазифаси ва уларга бериладиган рағбатлантириш турлари келтирилган.

2-жадвал

Меҳнатни рағбатлантиришда иқтисодий, ижтимоий-психологик ва ташкилий-маъмурий усуллардан фойдаланиш

Ходим фаолияти натижалари	Рағбатлантириш турлари
Хизмат вазифаларини муттасил сидқидилдан бажариш	Ташкилий-маъмурий: иш ҳақи микдори ўзгартирилмасдан хизмат вазифасида кўтариш. Ижтимоий-психологик: раҳбар мақтоби, ёрлиқлар бериш. Иқтисодий: қимматбаҳо совға тақдим этиш, иш ҳақига 20% устама
Хизмат вазифаси доирасида бир марта рационализаторлик таклифи	Ижтимоий-психологик: миннатдорчилик эълон қилиш.

киритганлиги учун	Иқтисодий: қимматбаҳо совға ёки пул мукофоти
Хизмат вазифаси доирасида мунтазам рационализаторлик таклифлари учун	Ташкилий-маъмурий: хизмат вазифасида қўтариш. Иқтисодий: қимматбаҳо совға ёки пул мукофоти, иш ҳақи миқдорини ошириш. Ижтимоий-психологик: миннатдорчилик эълон қилиш
Хизмат вазифаси доирасига кирмайдиган масалалар бўйича самара келтирадиган янгиликларни таклиф этиш	Ташкилий-маъмурий: хизмат вазифасида қўтариш. Иқтисодий: қимматбағо совға ёки пул мукофоти. Ижтимоий-психологик: миннатдорчилик эълон қилиш, ёрлиқлар билан мукофотлаш, санатория ва курортларга бепул йўлланма бериш
Хизмат вазифаси доирасига кирмайдиган, катта иқтисодий самара келтирадиган янгиликларни таклиф этиш	Ташкилий-маъмурий: хизмат вазифасида қўтариш. Иқтисодий: қимматбаҳо совға ёки пул мукофоти бериш. санаторий ва курортларга, чет элларга саёҳат қилишга бепул йўлланма бериш. Ижтимоий-психологик: миннатдорчилик эълон қилиш, ёрлиқлар билан мукофотлаш, давлат мукофотларига номзодини тақдим этиш.

Манба: Мавзуга оид назарий ва амалий маълумотлар таҳлиллари натижаси бўйича муаллиф томонидан тайёрланган

Шундай қилиб, меҳнатни моддий рағбатлантириши тизими амалиётда кўзланган самара келтириши учун уни бирданига бутун ташкилот миқёсида жорий қилмасдан аввал унинг таркибий тузилмаларида муайян муддат синовдан ўtkазиш мақсадга мувофиқдир. Бу тажриба муваффақиятига ишонч ҳосил қилингандан кейингина ташкилот миқёсида қўллаш лозим.

REFERENCES

1. www.press-service.uz (Ўзбекистон Республикаси Президенти портали)
2. www.mineconomu.uz (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат

вазирлиги)

3. Абдураҳмонов Қ.Х, Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт /Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган З-нашри. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “FAN” нашриёт давлат корхонаси, –Т: 2019. -592 б
4. Абдураҳмонов Қ.Х, Абдурамонов Ҳ.Ҳ Меҳнат ресурсларини бошқариш:ўкув қўлланма .-Т:ILM ZIYO, 2018, 272 б
5. Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г., Апенько С.Н., Мерко А.И. Мотивация персонала. Учебное пособие.-М.:Издательство «Альфа-Пресса, 2018.-640 с
6. «Управление персоналом» Журнал. 2019 й. № 2-4 сонлари.
7. «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасининг статистик ва бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлари маълумотлари.
8. Mo'minov, Sh.S. (2022). Memuar, bag'ishlov va marsiyalarda rahbar muloqot xulqiga xos qirralarning namoyon bo'lishi. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 689-694.
9. Мўминов, Ш.С. (2022). Раҳбар нутқининг таъсир ўтказиш усуллари. Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS), 418-426.
10. Муминов, С., Эҳсонова, М. (2021). Linguapoetic features of English derivations in literary text. Международный журнал языка, образования, перевода, 4(2), 90-67.